

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“OLOY DEHQON BOZORI” АЖ
акциядорларнинг 2026 йил
20 апрелдаги навбатдаги умумий
йиғилиш қарори билан

“OLOY DEHQON BOZORI”
aksiyadorlik jamiyatining
УСТАВИ
(янгى тахрирда)

Тошкент шаҳар-2026 й.

1. Умумий қондалар

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида - Қонун) ва бошқа Қонунчилик асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Oloy dehqon bozori” aksiyadorlik jamiyati (bundan buyun “Жамият” деб номланади) хўжалик юритили ҳуқуқига асосланган жамият сифатида тижорат, хўжалик ва бошқа ҳар қандай Қонунда тақиқланмаган фаолиятларни амалга ошириш учун ташкил топган мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб ҳисобланади.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

- латин алифбосида: “Oloy dehqon bozori” aksiyadorlik jamiyati;
- кирилл алифбосида: “Oloy dehqon bozori” акциядорлик жамияти.

Инглиз тилида:

Joint stock company “Oloy dehqon bozori”

Рус тилида:

- акционерное общество “Oloy dehqon bozori”;

1.5. Жамиятнинг қискартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида: “Oloy dehqon bozori” АЖ;
- латин алифбосида: “Oloy dehqon bozori” AJ;
- рус тилида: АО “Oloy dehqon bozori”;
- инглиз тилида: JSC “Oloy dehqon bozori”.

1.6. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси 40 уй

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: Oloy.dehqonbozori@mail.ru.

1.8. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.loy-bozori.uz

2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогор ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

2.3. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳулуди ва ундан ташқарида банкдан ҳисоб варакларни очишга ҳаққидир.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмолак муҳрига эга бўлади.

2.5. Жамият ўз номи ёзилган штамп ва бланкларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нилпонига, ҳамда бошқа ўз белгиларига эга бўлишига ҳақлидир.

2.6. Жамият қонун ҳужжатларида таъкидланмаган фаолиятининг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ РЎЙХАТИ.

3.1. Акциядорлик жамияти хўжалик фаолиятини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларидан фойдаланиш, жамият акциядорлари ва меҳнат жамоасининг моддий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида амалга оширади.

3.2. Қўзланган мақсадга мувофиқ қуйидагиларни амалга оширади:

- Қишлоқ хўжалиги, озиқ – овқат маҳсулотлари ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотлар, ёрдамчи ва хунармандчилик корхоналари маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш учун керакли шароитларни яратиш;
- Кенг турдаги қишлоқ хўжалиги, озиқ – овқат маҳсулотларининг ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларнинг савдо расталари, савдо ўринлари, тургун савдо шаҳобчалари (шу жумладан савдо навилёнлари, киоскалари) дан фойдаланган ҳолда чакана ва майда улгуржи олди – соттисини амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ўз тасарруфидаги биноларни ижарага бериш;
- хўжаликлар ва аҳолининг маҳсулотларини сотиш учун жалб қилиш мақсадида реклама ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш;
- озиқ – овқат ва товарларни ишлаб чиқариш мақсадида керакли бозор хизмати инфраструктурасини яратиш;
- четдан товарларни жалб қилиш, шахсий товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш аҳолига, ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан ташки иктисодий фаолият кўрсатиш;
- тижорат, дорихона, савдо – харид корхоналари, умумий овқатланиш шаҳобчалари очиш;
- жамият таркибидаги савдо харид корхонаси орқали жисмоний шахслар, деҳқон фермер ва жамоа хўжаликларидан қишлоқ хўжалиги, озиқ – овқат маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларни харид қилиш ва ушбу маҳсулотларни корхона, муассаса ва ташкилотларга улгуржи савдоси орқали сотиш ҳамда жамият ихтиёридаги дўконлар орқали чакана сотиш;
- савдо – харид фаолияти, улгуржи ва чакана савдо;
- умумий овқатланиш соҳасида хизмат турларини кўпайтириш, ресторан, кафе, барлар очиш, миллий ва европа таомларини тайёрлаб сотиш;
- жисмоний шахс ёки ҳуқуқий шахс ҳуқуқини берувчи, шу жумладан тижорат корхоналарини, марказларини ташкил қилиш;
- пушлик авто турар жойларини, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини, кирхоналар, сартарошхоналар, косметолог корхоналари ва салонлар, бошқа маиший хизмат шаҳобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, аҳоли ва корхоналар учун маиший хизмат кўрсатиш;

- ҳар-хил қандолат моллари, салқин вчимликлари, музқаймоқ ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ун тайёрлаш ва сақлаш, қайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- тижорат, савдо-сотик ва савдо-воситачилик фаолияти;
- томошалар, шоу ўйинлари, лотериялар, ижодий мусобақалар, кечалар, учрашувлар, тантаналар, спорт тортишувлари ва беллашувлари, бошқа маданий-оқартув, спорт соғломлаштириш ва томоша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш шунингдек, бундай тадбирларда қатнашиш;
- бинолар ва уйлارни қуриш, эгаллаш, ташкил этиш, лизинг шартлари бўйича ёки бошқа асосларда ижарага бериш, шунингдек улардан фойдаланиш, дўконлар, универсамлар, супермаркетлар, савдо уйлари, ярмаркалар, киосклар, лотоклар, савдо жойлари ва бошқа савдо объектларини ташкил этиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, сотиш, сотиб олиш ва сақлаш, улар билан бошқа операциялар ўтказиш;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш ва ишлаб чиқиш, лойиҳалаш-изланиш, қурилиш, қурилиш-монтаж, юргизиш-тузатиш, таъмирлаш ва пардозлаш бўйича ишларни ташкил этиш ва ўтказиш, уй-жой фонди, саноат, хизмат учун ижтимоий ва маданий-манший бинолар, иншоотлар ва объектларнинг қайта қурилишини амалга ошириш;
- ризлектерлик фаолияти, кўчмас мулк объектларини эгаллаш, фойдаланиш, ижарага бериш ва сотиш, кўчмас мулк билан бошқа операцияларини амалга ошириш;
- стационар ва кўчма авто ёқилғи қуйиш шахобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган ва чет эл маркали автомобиллар, ҳар-хил транспорт воситалари ва бошқа техникага техник хизмат кўрсатиш ва тузатиш корхоналарининг тармоғини тузиш ва улардан фойдаланиш;
- бозор конъюктурасини ўрганиш, созиладиган товарларни баҳо ва баҳоларни ташкил қилишни ўрганиш, ички ва ташқи ҳамкорлар билан алоқаларни тиклаш тадбирларини ўтказиш;
- Қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ва таъкил этиш.

3.3. Жамият рухсатнома зарур бўлган фаолият билан шуғулланиши ҳуқуқига, бундай рухсатнома олгандан сўнг ёки рухсатномада кўрсатилган давр ичида ушбу фаолият билан шуғулланиши мумкин.

3.4. Жамият кўрсатилган фаолиятни бажариш мақсадида аукционларда, биржа ва бошқа савдода, ярмаркаларда, фонд ва товар бозорларидаги тижорат тадбирларида қатнашиши мумкин, у шартномалар, битимлар ва битишувлар тузади, турли юридик акциялар ва битимлар, шу жумладан кредит-ҳисоб, касса муаммоларини амалга оширади.

3.5 Жамиятнинг фаолияти муддати чекланмаган.

4. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдидан турган вазифаларни ечиш учун Жамият қуйидаги ҳуқуқларига эгадир:

белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва осудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида ҳар

кандай тўлов шаклиларини бериш ва акцептлаш, айирбошлаш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблағларини айирбошлаш;

ўзининг ишлаб - чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамгармаларини мустақил режалаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида мустақил равишда ўз қарамоғидан (балансидан) мол - мулк, қарз, қамомад, бошқа заҳилларини чиқариш;

Жамият Уставида белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш - техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом - ашё, материаллар, транспорт сотиб олиш;

ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;

қонунчиликка мувофиқ, ўз қолимлари учун қўшимча иш таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёزلарни ташкил этиш;

4.2. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

4.3. Жамиятнинг мақсаддор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошкор қилганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4.4. Жамиятнинг тижорат сирини тоифасизга киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик жамият директори томонидан белгиланади.

5. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ.

5.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил тонади.

5.2. Жамиятнинг Устав фонди 1 849 174 000 (бир миллиард саккиз юз қирк тўққиз миллион бир юз етмиш тўрт минг) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 1 849 174 (бир миллион саккиз қирк тўққиз минг бир юз етмиш тўрт) дона оддий эгасининг номи ёзилган акцияларга бўлинган, улардан 100% акциялар жойлаштирилган.

а) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

5.3. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.4. Жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг қузғув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.5. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

5.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамият чиқаришга ҳақли бўлган эълон қилинган акциялар миқдорини белгилайди.

5.7. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

5.8. Жойлаштирилган акцияларга қўшимча тартибда жамият умумий қиймати 13 801 335 000 (ун уч миллиард саккиз юз бир миллион уч юз уттиз беш минг) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 13 801 335 (ун уч миллион саккиз юз бир минг уч юз уттиз беш) дона оддий акцияларни чиқаришга ҳақли.

б) Жамиятнинг устав капиталини камайитириш

5.9. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисmini кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.10. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.11. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаш шарт.

6.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендларни тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.7. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Бу тўғрисида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналарнинг акциялари фонд бозорида оммавий жойлаштириш йўли билан жойлаштирилган тақдирда, камида етти йил давомида ушбу корхоналар соф фойдасининг камида 30 фоизи дивидендларни тўлашга йўналтирилади, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар мустасно.

6.8. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши керак.

6.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги ва бошқа муҳим ахборот ҳақидаги хабар ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида жўнатилганлиги фактини ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномаши қайд қилган ҳолда, акциядорлар эътиборига мобил телефонга қисқа хабарлар (SMS-хабарлар) ва (ёки) электрон почта (акциядорлар реестрида мобил телефон рақами ва электрон почта манзили мавжуд бўлганда) орқали етказилади.

6.10. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6.11. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтинчи кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.12. Дивидендларни тўлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали акциядорнинг мавжуд банк ҳисобварағига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автоматик равишда амалга оширилади. Бунда акциядорлик жамияти акциядордан дивидендларни тўлаш тўғрисидаги аризани талаб қилишга ҳақли эмас.

6.13. Жамият Ўзбекистон Республикаси президенти акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни президенти акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

6.14. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

6.15. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилади.

7. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни акциядорларнинг умумий йиғилишида ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, истиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг ваддаларини қайтариб солиш олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.3. Жамият устав капиталининг 15 фонидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

7.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.3-бандида белгиланган миқдорга етунча қадар ҳар йили соф фойданан 5% миқдорда ажратмалар ўтказилади.

7.5. Захира фонди тўлашгича ёки қисман сарфлашиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

8.1. Жамият бошқарув органи - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия орган (Директор).

9. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ.

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яққабошчилик асосидаги ижроия органи (бундан буён матнда “Директор” деб юритилади) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу уставнинг 9.5 бандига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботини, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлаштириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади;

9.3. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган ҳолатда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди.

9.4. Жамият устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яққа тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда, жамият акциядорларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

9.5. Акциядорлар умумий йиғилишнинг ваколат доирасига куйидагилар юради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тақрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тузатиувчиси (тулатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тулатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва мониторинг акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- аъзон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав қалиталини кўлайитириш;
- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, шунингдек жамият фойдалигининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда

жамиятни ўрта муддатта ва узок муддатта ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш

- жамиятнинг фойдаси ва зарорларини тақсимлаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айвирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб солиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлтамаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархлари белгиланган;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- жамиятнинг юқори органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгиланган;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгиланган ҳақида қарор қабул қилиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда жамиятнинг аффилиланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фонзини ташқил этадиган битим ёки йирик битим тузиш тўғрисидаги қарорлар мол-мулкнинг қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олиган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади

- қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини эшитиш, йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилгандаги масала ва баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган сўрада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташқил этувчи мол-мулк ҳусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги масалалар бўйича қарор, аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Бошқа масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Солиққа оид ёки давлат олдидagi бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги давлат улуғини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.6. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш;
- Акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархияни белгилаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- бошқа қонунчиликда тақиқланмаган умумий йиғилиш қарорлари билан бериладиган масалалар.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.8. Жамиятнинг мажоритар акциядорига қарорлар жамиятнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига зарар келтириши олдиндап аён бўлса, у мазкур қарорларни шахсий манфаатларини ҳисобга олиб қабул қилмаслиги, жамият бошқарув органларининг йиғилиши кун тартибига жамиятнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига мос келмайдиган масалаларни ёки ҳал этилиши жамиятнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига зарар етказиши олдиндан маълум бўлган масалаларни киритмаслиги шарт.

9.9. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

10. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

10.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

10.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар кирди:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мухтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиритиш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун қаритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг I декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиб;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан амалдаги қонуқчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш. Бунда жамиятнинг аффилиланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки undan кўп фоизини ташкил этадиган битим ёки йирик битим тузиш тўғрисидаги қарорлар мол-мулкнинг қонуқчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгилашган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонуқчиликда белгилашган тартибда тузиш;
- жамиятнинг устав фондини кўнайитириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўнайитириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- жамият акцияларининг жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунини 79-моддасига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органининг

рахбарлиги тайинлаш тўғрисидаги қарор, қонда тарикасида, чет эллик менсжерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

10.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишидан иборат бўлади. Бундан 1 (бир) нафари мустақил аъзо ҳисобланади. Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

10.6. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

10.7. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

10.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

10.9. Жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шубба ва тобе ҳужалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

10.10. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

10.11. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

10.12. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

10.13. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар, шунингдек жамият ижроия органи аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

10.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг стмиш беш фонзида кам бўлмаслиги керак.

10.15. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоиздан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг вазифалари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

10.16. Жамият Кузатув кенгашининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилади.

10.17. Кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича сайланган аъзолар фаолияти жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, жамиятнинг қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш ва бошқа қонунчилик мезонлари асосида баҳоланади.

10.18. Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, жамият устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда жамият кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилади.

10.19. Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги қўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки куриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш жамият кузатув кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

10.20. Ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилмайди.

10.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг қўлтилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» қонунининг (янги таҳрирда) 18-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

10.22. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

10.23. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган жамият кузатув кенгаши аъзолари

томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўтри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Шунингдек, Кузатув кенгаши қонунчиликка ва ушбу уставга мувофиқ фидуциар мажбуриятларни бажармаслик ва бошқа қонунчиликларда назарда тутилган ҳолатлар учун жамият олдида жавобгардир.

10.24. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган кунни жамиятнинг ижроия органига ижро этиши учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган кунни топширилади.

10.25. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

10.26. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

10.27. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

11. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яқкабошчилик асосидаги ижроия органи – Директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Жамият ижроия органи (Директор) жамиятнинг ижро этилуви органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

11.3. Жамият Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

11.4. Жамият Директори Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Директор билан меҳнат шартномасини жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

11.5. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият директорини тайинлаш, қанда тартиқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

11.6. Жамият директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишлича Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, ушбу уставда ҳамда унинг жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномасида белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

11.7. Жамият ижроия органи сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас;

11.8. Жамият ижроия органи томонидан ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлар ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар жамият бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади.

11.9. Жамият Директорининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно. Агар директор томонидан мазкур масалалар ўзбошимчалик билан амалга оширилса, Кузатув кенгаши директор билан тузилган меҳнат шартномани бир томонлама бекор қилишгача бўлган чораларни қўллашга ҳақли.

11.10. Жамият Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.11. Жамият Директори мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

11.12. Жамиятнинг директорига тўланадиган ҳақ миқдори, хизматларига ҳақ тўлаш шарҳлари жамият фаолиятининг самаралорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

11.13. Жамиятнинг директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

11.14. Жамият кузатув кенгаши жамият директори билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда у билан тузилган шартномани тугатишга (бекор қилишга), ҳақли.

11.15. Жамият Директорининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилади;
- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини ҳимоя қилади;
- Жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;
- штатларни тасдиқлайди, жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, бекор қилади ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайдди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришни таъминлайди;
- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим

этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

- амалдаги қонунчиликка ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.

11.16. Жамият Директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб ни тутishi лозим.

11.17. Жамият Директори қонунчиликка ва ушбу уставга мувофиқ фидуциар мажбуриятларни бажармаслик ва бошқа қонунчиликларда назарда тутилган ҳолатлар учун жамият олдида жавобгардир.

12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонунчилик ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

12.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

12.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонунчиликида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

“Oloy dehqon bozori”

aksiyadorlik jamiyati direktori



Б.Ф.Расулов